



ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

МҲЙНОҚДА ҲАЁТ ҚАЙНАМОҚДА

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ўз самарасини бермоқда. Бунинг Оролбўйи, жумладан Мўйноқ тумани аҳли ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Амударёнинг денгизга қуйилар жойида, соҳилда кўним топан мўйноқликлар йиллаб давом этган қурғоқчилик, ноқулай, мураккаб иқлим шароитига мардона дош бериб, тугилиб ўсган она тупроғига, қадрдон юртга муҳаббат, эртанги кунга ишончи, мустақам иродасини ҳар қадамда намоён этиб келмоқда.

Бугун Мўйноқ Қорақалпоғистоннинг иқтисодий салоҳияти ортиб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланиб бораётган туманлари қаторидан жой олаётир.

Айни пайтда туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар бажарилмоқда. Туман ҳудудида қўлаб суний қўллар барпо этилди.

Натижада, бу ерларда иқлим шароити барқарорлашуви билан бирга, балиқчилик ҳам яна ривожлана бошлади. Тузукроқ иш ахтариб, ҳатто кўч-кўронини кўтариб кетганлар ўз овулига қайта бошлади. Балиқчиларнинг қайиқлари яна сувга тушди. Энг муҳими, фермерлар, янги мулкдорлар, даромад топаётган оддий одамлар уй-жой, салобатли иморатлар кура бошлади. Инсон уй қурибдими, у ўз тақдирини, келажагини, зурриётлари ҳаётини шу замин билан боғлабди, демакдир.

Азалдан чорвачилик ва балиқчилик аҳолининг асосий тирикчилик манбаи бўлган Мўйноқда эндиликда деҳқончилик ҳам ривожланаётир. Бу ҳудудда



ҳозир сабзавот ва ғалладан ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Ўтган йили туман тарихида биринчи марта пахта экилди. Йил бўйи сидқидилдан қилинган меҳнат қултиган натижани берди. Шартномада белгиланган 150 тонна ўрнига 205 тонналик хирмон яратилди. Пахтачиликдан олинган даромад аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга, мавжуд муаммоларни ҳал этишга йўналтирилди. Ўтган йилги тажриба асосида бу йил ҳам мўйноқликлар 120 гектар майдонда ғўза парваришмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ИСТИҚЛОЛ ИНОЯТИ

Инсон қадри ва шаъни улуғланган жойга қўт-баракка ёғилади. Эрк ва озодлик, ўз еринг ва ўз мулкнинг эгаллик ҳисси кўнгилга ойдинлик бахш этиб, ишингга унум бағишлайди. Ватаннинг қорига яраш, унинг эртанги кўни учун тер тўкишга чоғланиш завқи чарқок нималигини сездирмайди.

Мустақиллик шарофати билан барча жаҳада яратувчанлик ва ободончилик авж олди. Хар йил қўлғу байрамимиз – Мустақиллик кўнини орзиқиб кутамиз. Негаки, бу ёрғу қўлларнинг қадрини мен қаби узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб, собиқ тузум таъкилларига дучор бўлган кишилар, айниқса, яхши хис қилишди.

Истиқлол берган имкони-

ятдан фойдаланиб, яхши ниятлар билан мулкдор бўлдим, ер олдим. Мустақиллигини мустақамлаш ва одамларнинг қувонч-у ташвишига шерик бўлиш тўғриси кишига масъулият юкларкан. Фермер хўжалигимизнинг 30 нафар аъзоси бор. Уларнинг ҳалол, фидокорона меҳнати эвазига биргина ўтган йили 48 гектар пахта майдонидан режадаги 140 тоннага қўшимча яна 10 тонна "оқ олтин" етиштириб, ҳосилдорлигини 31 центнерга етказдик. 50 миллион сўм даромад қилдик. 14 миллион сўм соф фойда олинди. Ишчиларимизнинг маошларини ошириш ҳамда уларнинг моддий манфаатдорлигини кўтариш борасида тинмай изланаёلمиз.

Олинган соф фойданинг

бир қисмини ҳомийлик тадбирларига сарфладик. Мактабларга, марказий касалхонага ва кам таъминланган оилаларга қарийб 1,5 миллион сўмлик ёрдам бердик. Жорий йилдаги режаларимиз бундан ҳам улкан.

Оллоҳ насиб этган экан, юзлаб ордолларимиз қатори рафиқам билан ҳаж зиёратини адо этдик. Тақдирнинг иноятига минг бора шукр қилиб, урғу ободлиги ва тинчлигини тилаб юрибмиз. Эртанги яхши кўнлар умидида мустақиллигининг бебаҳо неъматидан баҳрамандимиз. Чин маънодаги мулкдор сифатида бахтиёрман. Менга бу имкониятни, шубҳасиз, Истиқлол берди.

Шароф АЛИҚУЛОВ,
Шофиркон туманидаги
«Шароф» фермер хўжалиги
раҳбари



Муаллиф олган суратлар.

нинг ўзида йигирма киши қасанчилик асосида ишга қабул қилинган икки томонлама ҳамкорлигининг нечоғли фойдали бўлаётганидан далолат.

Ижтимоий ҳимоя йилида қорхона маъмурияти ҳодимларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида янги имкониятларни ишга солмоқда. Фақат шу йил давомида нафақа ёшидаги 24 нафар ҳодимга

салкам 1 миллион сўм қўшимча моддий ёрдам кўрсатилди. Даволанишга муҳтож кишиларга 653 минг сўмлик дори-дармон бепул тарқатилди. Ўнга яқин ёш оилаларга эса уй-хижола-ри сотиб олишлари учун маблағ ажратилди. Қисқаси, бу қаби эҳтиёжлар учун қорхона ҳисобидан 17,5 миллион сўм сарфланди. Қарс икки қўлдан дегаңларидек, маъмуриятнинг ғам-

хўрлигига жавобан "Баҳмал" тўқувчилари қорхона ютқуларни салмоғини оширишга астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Адолат" муҳбири

Суратларда: Раъно Раҳматова (юқорида) "Баҳмал"нинг мураббий тўқувчиларидан. Тайёр маҳсулотни Олим Абдусаломов қабул қилиб, буртмачиларга жўнатади.

ДОН ВА НОН

ҳаёт манбаи, беминнат ризқ-насиба!
Уни етиштирмак, асрамак, увол қилмаслик – миллий қадриятларимиз сингари қўтлуғ бир мерос

Дунёда неъматлар кўп, таомлар хилма-хил. Лекин, ёлғиз нонгина ҳеч қачон инсоннинг кўнглига урмайди. Нега?

МОЗИЙГА НАЗАР. Тарихий китобларда ёзилишича, аҳдодларимиз минглаб йиллар давомида деҳқончилик, хусусан, ғаллачилик билан шуғулланиб келишган. Эра-мизгача 5-6 минг йилликлар (неолит даври)да ҳам Марказий Осиё ҳудудининг жанубий-ғарбий қисмларида

ўтроқ деҳқончилик ривож тоғгани ҳақида ёзма манбаларда айтилган. Жайхун бўйларида арпа, буғдой, тарик, қўнжўт экилган. Бронза даврига келиб, Фарғона водийсининг Чуст воҳасида ва эра-мизгача бўлган 2 минг йиллик адоқларида Хоразм-да сугорма экин-тинкинлар ривож тоғгани, айниқса, бошқоқ дон экинлари қўлаб етиштирилгани ҳақида археологик қазималар гувоҳлик беради.

Буллардан кўришиб турибдики, аҳдодларимиз қадим-қадим замонлардан донли экинлар етиштиришнинг ҳадисини олишган.

ЯҚИН ЎТМИШ. Асрлар оша давом этган деҳқончилик маданияти аъналарига чор Россиясининг Туркистон ўлкаси ҳудудларига бос-тириб келиши билан пўтур етди. Мустамлакачилар саноат учун қимматбаҳо хомашё – пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида сугориладиган ғалла пайкаллари қисқартириб, унга асосан лалми ерларнигина ажратди. Собиқ иттифоқ даврида эса, бу ҳол янада авж олди. Ўтган асрнинг 30-40-йилларини қўя туриб, 50-60-йилларда ҳам арпа-ю маккажўҳори уни аралаштирилиб ёпилган зогора нолларни еганимизни ҳали-ҳануз эс-лаймиз...

70-80-йилларда пахта якка ҳоқимлиги ўзининг "қўққи"-сида кўтарилди. Ғалла, асосан, фақат лалми ерлардагина қолди. Ҳосилдорлик эса 7,5-9 центнердан ошмади...

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИЛК КЕЗЛАРИ. Тўқсон биринчи йилнинг охири, тўқсон иккинчи йилнинг бошида республикамизда жуда кўп нарсаларда узилиш бўлган пайтларни эсланг... Жумладан, дон таъминотида ҳам...

(Давоми 2-бетда)



ФАОЛИЯТГА МАСЪУЛИЯТЛИ ЁНДАШУВ

бошланғич партия ташкилотлари ишини жонлантириб, партия нуфузини ошираётир

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш, ижтимоий адолат таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислохотларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ қилиш, бир сўз билан айтганда, мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўиш республикамиздаги барча сиёсий партиялар қатори Қашқадарь вилоят "Адолат" СДП фаолларининг ҳам муҳим вазифаларидан саналади. Туман партия Кенгаши аъзолари, фаолларимиз ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда иш олиб боришмоқда.

Фаолиятимизда, чунончи, аҳолининг ўрта қатлами вакилларини ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш ва шу орқали партия фаоллигини янада ривожлантириш, бошланғич ташкилотлари ишини жонлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ишимизни жойларда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятларини йўлга қўиш, уларни ташкилий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш, фаоллар малакасини оширишдан бошлаганимиз яхши самара берди. Қисқа вақт ичида туманда 15 та бошланғич партия ташкилоти тузилиб, аъзолар сони 200 нафардан ошди. Шунинг

ғдеқ, фаолларимиз ташаббуси билан аҳолининг турли қатламлари иштирокида ўтказилаётган тадбирлар баҳс-мунозараларга бой, жонли тарзда ўтаётгани ҳам аҳолининг партияимизга бўлган қизиқиш ва ишончини янада мустаҳкамлаётир.

Айтиш жоизки, сиёсий фаоллик бўлган жойда, янги ташаббус ва инициативалар кенг йўл очилади. Шу маънода, фаолларимиз партия Фаолият Дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатаётгани эътиборга моликдир.

Шундай саъй-ҳаракат самараси ўлароқ, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида Кенгашимиз қошида "Ғамхўрлик гуруҳлари"ни тузганмиз. Шунга асосан туманимизнинг ўндан зиёд ҳудудларида истиқомат қилаётган 42 нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ушбу гуруҳ вакиллари бириктирилган. Улар вақти-вақти билан уруш ва меҳнат фаришлари, ногиронлар хонадонларида бўлиб, туман Кенгашининг совғаларини ҳадя этишади. Қисқаси, "Ғамхўрлик гуруҳлари"нинг фаол иш олиб бораётгани

партия нуфузини оширишга хизмат қилаётир

Партия сафларига билимдон, шижоатли, ҳаракатчан ёшларни жалб этишни фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгилаб олинган. Шу мақсадда таълим муассасалари ва маҳаллаларда "Диний ва миллий қадриятлар. Жамият ва ёш авлод тарбияси" мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Бу, ўз навбатида, ёшлар ўртасида партияимиз нуфузини, обрўини оширишга хизмат қилаётти.

Шу билан бирга, ҳозирда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар борасида ҳам кўпгина ишларни олиб бораёғимиз. Хусусан, "Оилада тиббий маданиятни ошириш" деб номланган очиқ мулоқотларимиз жамиятда оила ролини кучайтириш, аёллар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилмоқда. Келгусида ҳам ушбу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш, муайян тадбирларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Маҳмуд ТўРАБОВЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Миришкор туман Кенгаши
биринчи котиби



Пойтахтимизда "Тошкент Ислам маданиятининг пойтахти: эҳтиром ва эътироф" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Кониҳом туманидаги "Маданият" ширкат хўжалигида янги тикувчилик қорхонаси иш бошлади.

Тошкент Автомобиль ва йўллар институтини олимлари пиллани навларга ажратилишини ўзига хос янги усулини яратди.

Наманганда "Кардиология ва кардиофармакологикнинг долзарб муаммолари" мавзусида бўлиб ўтган республика семинарида юртимиз шифокорлари билан бирга россиялик бир гуруҳ мутахассислар ҳам иштирок этди.

Жиззах шаҳрида "Мустақиллик, экология, ҳалқ саломатлиги" шорири остида экофестиваль бўлиб ўтди.

Тошкентда Халқ таълими вазирлиги ҳамда Осиё Тараққиёт банки ҳамкорлигидаги тиббий кўмакка муҳтож болалар учун умумий таълимни ривожлантиришга оид лойиҳа ижросига бағишланган семинар ўтказилди.

Навоий вилояти аэропорти учини-кўншин йўли реконструкция қилинган, қайтадан ишга тушди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси матбуот хизмати маълумотиға кўра, Тошкент-Навоий-Тошкент йўналиши бўйича ҳафтада уч марта амалга ошириладиган авиақатновлар яна йўлга қўйилди.

Деноалик хусусий тадбиркор Шарофиддин Чориев за-

монавий мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришини йўлга қўйди.

Хар йили август ойининг дастлабки ҳафтасида мамлакатимизда Маҳаллалар кўни кенг нишонланади. Пойтахтимиздаги Гафур Ғўлом номидаги Маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбир ҳам ана шу санага бағишланди.

Чирчиқ шаҳридаги Жалолддин Манғуберди номли спорт мажмуасида ҳарбий хизматга қақирливиш ёшлар ўртасида ҳарбий амалий ўқитиш бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари яқунланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиғига бағишлаб ўтказилаётган "Маҳалла тарихини ўргана-ман" кўрик-танловининг Сурхондарь вилоят босқичи яқунланди.

Бухоролик беш нафар уста АҚШда ўтган ҳўнармандларнинг аънаваний халқаро кўргазмасида иштирок этди. Улар тайёрлаган маҳсулот ва буюмлар тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тошкент шаҳар тадбиркор ва ишбилармон аёллар жамоат бирлашмасида турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги билим ва қўнимларини янада оширишга бағишланган ўқув бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида Германия оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

МҲЙНОҚДА ҲАЁТ ҚАЙНАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биз учун янгилик бўлган пахтачиликнинг сир-синоатларини пухта ўрганишга ҳаракат қилганимиз, - дейди "Мўйноқ" ширкат хўжалиги раҳбари Аллисбой Шокиров. - Утган йили 50 гектар ерга чигит экиб, мўл ҳосил олган эдик. Даромад чакки бўлмади. Шунинг ҳисобидан битта янги "ВТ-150" маркали занжирли трактор, чигит экадиган сеялка ва бўзга ишлов берадиган қўлтиғишар сотиб олдик.

Хўжалик аъзолари 90 гектар майдонда галла, 40 гектарда полдиз экинларини парваришляпти, 1 минг 760 бош қорамол боқилмоқда.

Туманининг иқтисодий салохиятини кўтаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг алоҳида ўрни бор.

Биринчилар қаторида ташкил этилган "Қувонч" фермер хўжалиги аъзолари асосан қорвачилик билан шуғулланади. Бу ерда юз бош қорамол, 130 бош қўқуз парваришлянади, йил бошидан бери 2,5 тонна гўшт ва 1,8 тонна сут етиштирилди.

Бундан ўн икки йил бурун бандан олинган кредит ҳисобига хориждан 11 бош зотдор қорамол сотиб олган эдик, - дейди Ботирбой ага Ибодуллоев. - Дастлаб бу жониворларнинг маҳаллий шароитимизга қўниқиб жуда қийин кечди. Уларни тез-тез қўмилтириб туриш учун Қўқўз овулидаги "Қартабой ўзак" бўйидан ер олдик. Унинг атрофидаги "Жеткеншек", "Орол", "Қўқўз" яйловлари эса мол боқишга жуда қўлай бўлгани учун ташвишимизни енгиллаштирди. Хозирги кунда ана шу зотдор молларнинг сони юзтага етди.

Вақт ўтган сайин, фермер хўжалиги кенгайиб борди. Иккониётлар камаланиб, қўшимча даромад топиш йўллари изланди. Паррандачилик ҳам йўлга қўйилди. Бугунги кунда юздан зиёд қурқа ва ўрдак боқилмоқда. Бир гектар богда турли мевалар етиштирилмоқда. Тергирмон ва новвоҳонадан келадиган қўшимча даромад эса янги иш ўринлари очилган сарфланмоқда.

Мўйноқда балиқчилик асосий соҳалардан бири саналади. Бунга жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида суний қўллардан 150 тоннадан ортқ балиқ овланганидан ҳам билса бўлади. Балиқчиликка ихтисослашган "Амударё", "Қозоқдарё", "Гулмир" масъулияти чекланган жамиятлари, "Е.Дүйсенбоев", "Райимбек", "Мўйтен" фермер хўжаликларидан ов мавсуми айниқса самарали ўтмоқда.

Мустақиллик шарофати билан туманда инфратузилма ривожланиб, аҳолининг турмуш шароити йил сайин яхшиланиб бораётди. "Учсой", "Тикўзак", "Бўзатов", "Мадели", "Ҳаким ота", "Қозоқдарё" каби овул фуқаролар йиғинлари ҳудудда яшовчи аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бугунги кунда туман аҳолисининг 76,1 фоизи марказлашган ичимлик суви тармоғидан фойдаланади, 77,3 фоизи табиий газ билан таъминланган. Бу чўл шароити учун ёмон кўрсаткич эмас.

Тумандаги 16 та умумтаълим мактаби, иккита касб-хунар коллежи, 13 та болалар босчаси, учта мактабдан ташқари таълим муассасасида ёш авлод таълим-тарбияси давлат таълим стандартлари талаблари, янги педагогик технологиялар асосида олиб бориляпти.

Таълим тизимида амалга ошириляётган ислохотлар асосида янги мактаб бинолари қуриш, мавжудларини реконструкция ва капитал таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди туман ҳокими ўринбосари Ҳ.Ажмиёзов. - 2005 йилда Қозоқдарё овулида 315 ўқувчи тахсил оладиган янги мактаб биноси қурилиб фойдаланишга топширилди, Порлитов овулидаги мактаб капитал таъмирланди. 2006 йилда эса Шакирли овулидаги 9-мактаб биноси капитал реконструкция қилинди. Шеге ва Қизилжар овулларидаги мактаблар жорий таъмирдан чиқарилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш дастури асосида 140 миллион сўмдан ортқ

маблағ сарфланиб, Учсой ва Тикўзак овулларидаги мактабларда янги спорт заллари барпо этилди. Айни кунларда туман марказидаги 3-мактаб биносини капитал таъмирлаш ишлари жадал давом этмоқда.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига асосан, аҳолининг кам таъминланган қатлами кўлаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга ошириляпти. Айни пайтга қадар эҳтиёжманд оилаларга 45 бош қорамол бепул тарқатилди, 40 оилага 20 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит берилди. Ёлғиз қарияларга амбулатория ва стационар тиббий хизмат кўрсатилди, қўриш қўбилитини йўқотган кексаларга бепул кўз гавҳари қўйилди, бир гуруҳ фахрийларга сандаторийларда даволашни учун текин йўлнамалар берилди.

Тумандаги тўртта шифохона, учта кишлоқ врачлик пункти, учта овул амбулаторияси, етти та фельдшер-акusherлик пункти туман аҳолисига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Ўртабшомизнинг ташаббуси билан бепул Устюрт кенгликларидан Орол денгизи ташлаб кетган ҳудудда ер ости бойликларини қидириб топиш ва ўзлаштириш ишлари жадал олиб бориляпти. Туман ҳудудидаги Урга, Бердақ, Шагирил, Учсой, Орол, Сурқул конларидан ўтган йилнинг ўзида 1 миллиард 719 миллион кубометр юқори сифатли газ ва 31 минг 920 тонна газ конденсати олинди.

Учсой овулида 2004 йили қурилган газни қайта ишловчи станциянинг қуввати бугунги кунда қазиб олинаётган хомашёни қайта ишлаш учун етишмаётгани боис, ўтган йили Сурқул бургулаш ҳудудида юқори қувватли яна бир станция ишга туширилди.

Қорақалпоғистоннинг энг чекка гўшасида умрғазорлик қилаётган мўйноқликлар энг улғу, энг азиз айём - Мустақиллик байрамига ана шундай кўтаринки руҳда, аъло кайфиятда, эртанги кунга қатъий ишонч туйғулар билан қарши олмақда.

Аммибой ОРТҚБОВ,
ЎЗА мухбири

ДОН ВА НОН

ҳаёт манбаи, беминнат ризқ-насиба!

Уни етиштирмоқ, асрамоқ, увол қилмаслик - миллий қадриятларимиз сингари қутлуг бир мерос

Ўшанда мамлакат Президенти Ислам Каримов республикага зудлик билан четдан дон олиб келиш жараёниларини шахсан ўзи назоратга олди ва, пировардида, дон таъминоти ўзлаштиришга йўл қўйилмади. Эҳтимол, Ўзбекистонда дон мустақиллигига эришиш гоёси Ўртабшомиз кўнгида ўша чорларда тугилган бўлса ажабмас...

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР.

Дарҳол, мамлакат аҳолисини ўзимизда етиштирилган дон билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Унда белгиланган вазифаларнинг изчил ва босқичма-босқич бажарилиши тўғрисида мавжуд муаммоларни ечиш йўллари изланди. Жумладан, аҳолини кафолатли тарзда дон маҳсулотлари билан таъминлаш шарт-шароитлари кўзда тутилди; деҳқонлар учун янги иш жойлари ва қўшимча даромад манбаи яратиш режалари мўлжалланди; пахта майдонларининг бир қисми қисқартирилиб, уларга (алмашлаб экиш ва тўпроқ унумдорлигини сақлаб қолиш учун) галла экиш ва зифаси қўйилди; галладан бўшаган майдонларга тақрирӣ сабзавот экинлари экиш, ҳам сабзавот маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, ҳам деҳқонларга қўшимча даромад манбаи яратишга эътибор қаратилди; илгари четдан олинди-

ган галла учун сарф этилган валютани иқтисод қилиб қолиш ҳаракати бошланиб, мамлакатни дон ва дон маҳсулотлари бўйича қарамликдан қутулиш чоралари белгиланди. Ҳатто қорвачилик учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш тадбирлари ишлаб чиқилди...

САМАРА. Мустақилликнинг учинчи йили арафаси - 1994 йилдаёқ республикада 1992-1993 йилларга нисбатан хўжаликларнинг галла экин майдонлари 2,7 баробар ортиб, уларда дон етиштириш 3 баравага кўпайди. 1995 йилдан эътиборан, мамлакатда дон ҳосили харид нарҳини босқичли тарзда жажон нарҳлари даражасига етказиш йўли белгилан олдинди.

"Ҳаракатда баракат" экан, 2002 йилда республикада илк бор 5 миллион тонна атрофида дон хирмони уюлди. Давлатимиз раҳбари 2003 йил биринчи ярим йиллиги якуналарига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида эътироф билан айтди: **"Хозирги кунда пахтачилик билан бир қаторда галлачилик ҳам кишлоқ хўжалигининг етакчи соҳасига айланиб бораётгани эътиборга сазовор"**. Дарвоқе, ўша йили галламиз 5 миллион тоннадан ошди!


Омадни қаранг, шундан сўнг кетма-кет галла йили

келаверди. 2004 йилда бу кўрсаткич 5,5 миллион тоннага яқинлашди, 2005 йилда 5,8 миллион тоннадан зиёдрок, 2006 йилда - 6 миллион 100 минг тонналик хирмонларни кўрдик. Бу йил - Ижтимоий ҳимоя йилида эришилган ютуқ эса хар биримизнинг ёдимизда: 6 миллион 250 минг тонна Ўзбекистон дони эл-юрт тарозисига қўйилди!

Ўртабшомиз галлакорларни галаба билан қутлаб, алоҳида эътироф этдилар: **"Ҳосилдорлик даражаси Андижон вилоятида 60 центнер, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида эса 50 центнердан ортқ бўлгани, Олтинқул ва Қўрғонтепа, Вобкент ва Пайриқ, Сарисий ва Денов, Кува, Китоб ва Яқкабғо туманларида эса 55-60 центнердан ошгани миришкор деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва беқийс маҳоратининг ёрқин далили"**.

ХОТИМА. Бугун мамлакатимиз аҳолисининг дон ва дон маҳсулотлари билан таъминоти барқарор тус олди. Бозорларда, дўконларда дон ва дон маҳсулотлари бошқа давлатлардагига қараганда анча арзон ва сифатли. Бир вақтлар катта-катта валюта аэвасига дон ташиб келган бўлсак, энди уни ўзимиз ҳам четга чиқараёلمиз...

Юқорида донли экинлар



экиш, дон етиштириш, нон ва дон маҳсулотлари билан дастурхонимизни тўқин қилиш бизга миллий қадриятларимиз сингари аждодларимиздан қутлуг мерос эканлигини таъкидладик. Дарвоқе, ўз доимизга, ўз нонимизга етишмоқ - асрлар бўйи орзу эди...

Мустақиллик шарофати

билангина биз шундай улғу ва қутлуг орзу-умидимизга эришдик. Дон ва нон ҳаёт манбаи, ризқ-рўзимиз! Давлатимиз раҳбари таърифи билан: **"Яратганга минг бор шукр, ўз доимизга, ўз беминнат нонимизга эга бўлган шу кунларга ҳам етди келдик"**.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Ишлаб чиқариш

«МИКРОКРЕДИТБАНК» КЎМАГИДА

Пойтахт вилоятининг Зангиота туманидаги "Асли Г.М." хусусий корхонасида турли хил ўлчамдаги сифатли ва бежирим гиламлар ишлаб чиқарилади. Айни кунларда корхона жамоаси маҳсулот турларини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш устида иш олиб бориляпти.

Мамлакатимизда тадбиркор ва хунармандларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилгани рақобатбордош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга замин яратмоқда, - дейди хусусий корхона раҳбари Гулнора Махмудова. - Ўтган йили "Микрокредитбанк"нинг Тошкент вилоят филиалидан 3 йил муддатга 21,6 миллион сўм миқдорда микролизинг олиб, гилам тўқиш ускуналарни ўрнатдик. Эндиликда кичик корхонамизда пахта ва жун иплардан йилига 6,5 миллион сўмлик гилам тайёрлаш имкониятига эгамиз.



Келгусида ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш учун маъзур бандан қўшимча маблағ олишни режалаштирляпти.

Таъкидлаш жоизки, "Микрокредитбанк" вилоят филиали жорий йилнинг олти ойи мобайнида жами 2 миллион 481,1 миллион сўмлик микролизинг хизматини

кўрсатди. Шундан хунармандчиликка 343,2 миллион сўмлик микролизинг маблағини ажратилди. Бу 2007 йилда ажратилган жами микролизинг хизматлар ҳажмининг 13,8 фоизини ташкил этади. Худди шунингдек, ўтган олти ойда банк томонидан жами 1 миллиард 31,8 миллион сўм микрокредитлар хунармандчилик соҳасига йўналтирилди.

Акмал НАЗАРОВ



Носир ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.

Орамиздаги одамлар

ИНСОНИЙЛИК МАРТАБАСИ

Шундай инсонлар бўладики, улар ўз умрини ва меҳр-муҳаббатини севимли касбига бағишлайдилар. Уларнинг фикри хаёли, қувончу ташвишлари ҳам иш билан боғлиқ бўлади. Ҳоловатидан кечиб, шахсий қонушларини орта суриб, қатъий режа асосида, ишхона тартиб-қоидаларига риоя қилиб, вайжонан ишлайдиган бундай инсонлар ўз меҳнатларидан завоқ туйилад. Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси Зухра Усмонова шундай инсонлар тоифасидан, гайратли, фаол аёллардан.

Зухра ўрта мактабни Ҳазорасп шаҳрида битиради. Сўнгра Хива шаҳридаги тиббиёт билим йўртида тахсил олади ва мана, салкам ярим асрдан буён Хива тахсил санитари-эпидемиолог фармазиди врач-эпидемиолог ёрдамчиси вазифасида ишлаб келаяпти.

Зухра опа ишга вақтида бориб-қайтади. Иш қорозларини ҳам тартиб билан юритади. Хонаси ҳаммиса озода, шинам. Топширилган ўз вақтида, бекаму қўст бажаради. 41 йил бўлибдики, бир касбда тургун ишлаб келмоқда. Ҳеч кимнинг илтимосини ерда қолдирмайдиган Зухра опа катта-ю кичик билан бирдай "сизлаб" муомала қилади. Шу боис, ҳамма уни эъзозлайди, ҳуррам қилади. Ҳаётида дуч келган машаққатларни мардон ениб ўтган бу аёлни қўриб, у билан мулоқотда бўлсангиз, унинг гайрат-шижоати, матонатига қойил қоласиз.

Зухра Усмонова тиббиёт

билим-юртини тугатганидан сўнг, мусика ўқитувчиси Шавкат Оллабаергановга турмушга чиқди. Афсуски, турмуш ўртоғи нақирон 34 ёшида оғир хасталикдан вафот этди. Уч ўғилнинг тарбияси, уларни кийинтириш, едириб-чириш, воёга етказиш 29 ёшлик ёлғиз онанинг зиммасига тушди.

Уша пайтлар бизга жуда оғир бўлган эди, - деб эслайди Зухра опа. - Ойлик маошини тежаб ишлатишмига тўғри келарди. Ҳатто у пайтларда ҳозиргидек яхши кийинишга, ўйнаб-қўлишга, тўй-ҳашамларда қатнашишга имкон топа олмадик. Ўғилларимни отасининг йўқлигини билдирмасдан, оқ ювиб, оқ тараб устирдим. Хар бирини ўз иктидорига бўйича ўқитдим. Жамоамиз билан бир оила фарзандларидек бўлиб қолганим, қийин дамларда касбдошларим кўмакдош бўлишди. Улардан бир умр миннатдорим.

Зухра Усмонованинг

партияга аъзо бўлганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо у "Адолат" СДП Хива туман Кенгашининг "Аёллар қаноти" бўлимини масъулият билан бошқариб, партия сафларини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шахсан унинг маҳалладошларига кўрсатаётган беминнат ёрдами ҳам таҳсинга лойиқ. Зухра опа ёлғиз кексаларга бепул тиббий хизмат кўрсатади, улардан ширин сузини, қўлидан келган ёрдамини аямаяди.

Яқинда Зухра опанинг олтимиш ёшини нишонлаш учун жамоадошлари, сафдошлари йиғилишди. Юбилей кечасида узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, ҳамкасблар, партия фаоллари, умр йўлида Зухра опанинг қувонч-у ташвишларига шерик бўлиб келадиган дўстлари бирга бўлишди. Йиғилганлар унга энг эзгу тилакларни билдиришди. Шунда опанинг кўзларидан қувонч ёшлари қалқиди...

Ҳа, дунёда Зухра Усмоновадек бағрикенг, камтарин ва меҳнаткаш инсонлар бор экан, ҳаёт ўзининг файзу тароватини йўқотмайди, ёш авлод улардан ибрат олиб, инсоний мартабасини доимо баланд тутиб бораверади.

Манзура БЕКЧОНОВА,
журналист

«АДОЛАТ» СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Хоразм вилояти:

Гурлан туман партия Кенгаши "Нихол" болалар оромгоҳида "Истиклолим - саодатим" мавзусида тадбир ўтказди.

Қўшқўпир туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган давра суҳбатига Президентимизнинг "2007-2010 йилларда сервис соҳаси ва маъиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш тўғрисида"ги Фармон ижроси ҳамда партиянинг Фаолият Дастури ва келгусидаги вазифалар ҳусусида сўз бошланди.

Ҳазорасп туманидаги "Бўстон" болалар оромгоҳида "Бу байрам барчамизники" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир иштирокчиларда илқ таассурот қолдирди.

Урганч туман Кенгаши томонидан "Ўқувчилар ижодий маркази"даги бошланғич ташкilot аъзоларидан ўн икки нафарига партия билетлари топширилди. Энг фаол аъзолар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Қашқадарё вилояти:

Касби туманида бўлиб

ўтган "Мустақиллик менга нима берди?" мавзусидаги тадбир иштирокчиларнинг 16 йиллигига бағишланди. Иштирокчилар бундай йиғинлар ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

Қарши туманидаги "Мустақиллик" жамоа хўжалигида хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган давра суҳбати ўтказилди.

Сурхондарё вилояти: Ўзун туманида аёллар ва ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган давра суҳбати ўтказилди. Унда "Адолат" СДП фаоллари, тумандаги раҳбар ходимлар билан биргаликда кўлаб фуқаролар иштирок этди.

Самарқанд вилояти:

Нуробод туманида "Адолат" СДП туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган "Ватан келажига - меҳнинг тақдирим" деб номланган анжуман барчада катта таассурот қолдирди.

Самарқанд шаҳридаги 2-сонли академик-лицейда вилоят партия Кенгашининг "Ёшлар қаноти" томонидан

ташкит этилган тадбир ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, лидерлик қобилиятини шакллантиришга қаратилди.

Андижон вилояти:

Олтинқул туман партия Кенгаши ташаббуси билан "Фермер хўжаликларининг тарақиёт йўли" мавзусида йиғилиш ўтказилди. Унда тумандаги фермер хўжалик раҳбарлари, МФЙ раислари, соғлиқни сақлаш ва ҳаёт таълим бўлими ходимлари қатнашди.

Изобоскан туманидаги "Пайтўз" марказий йиғингоҳида туман Кенгаши ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида футбол мусобақасини ташкиллаштирди. Унда қатнашчилар "Динамо" соғломлаштириш-спорт мажмуаси ҳамда туман ҳокимлигининг кубогини учун майдонга тушишди.

Луғундек кишлоқ хўжалик касб-хунар коллежиде "Энг намунали маслаҳатчи" танлови ўтказилди. Қўриқ вилоят ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда "Адолат" СДП вилоят Кенгаши томонидан уюштирилди.

Сий жамғарилган очколар бўйича қўли бешикланган жой олди. Етти та партия ўйин ўтказган умидли шахматчиси терма жамоамиз ҳисобига 5,5 очко келтирди. Ҳозирча ҳамюртларимиз биринчи ўринда бораётган Хиндистондан бир ярим, иккинчи поғонада қайд этилган Филиппиндан ярим очко ортда. Энди шахматчиларимиз бешинчи ўриндан жой олган Вьетнам терма жамоаси вакиллари билан куч си-нашади.

(ЎЗА)

ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ - КУЧЛИ УЧЛИКДА

Сингапурда ўттиздан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этган 16 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасидаги жаҳон шахмат олимпиадасида юқори ўринлар учун кураш қизгин паллага кирди.

Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган тўрт нафар шахматчимиз еттинчи турда Эрон терма жамоаси вакилларига қарши дона сурди. Тўрт партиядан иборат беллашувнинг иккитаси дуранг билан якунланди. Биринчи тахтада ҳаракат қилган Жамшид Мустафоев эронликлар-

нинг энг кучли вакили Муҳаммад Мирон Ходимий билан дуранг ўйнаган бўлса, Улугбек Тиллаев ҳамда Амир Азаматий баҳсида ҳам ғолиб аниқланмади.

Лекин иккинчи ва учинчи тахтада ўйнаган ҳамюртларимиздан Хуршид Мустафоев рақибни Пуриё Доринини, Евгений Пак эса Сино Солихонини мот қилиб, терма жамоамизнинг 3:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Еттинчи тур якунларига кўра, терма жамоамиз аъзоси Хуршид Мустафоев шах-

Д.САЪДУЛЛАЕВ
ёшб олди

САМАРҚАНД:

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ – ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИДАН НИШОНА

ёки кўхна шаҳарсозликнинг замонавий ворислари хусусида

Марказий Осиёнинг бу кўхна ва муаззам шаҳри кимлар учундир ҳали тарихнинг ўқилмаган китоби, кимларгадир жомий гўмбазлари салобат тўкиб турган меъморий обидалар юрти саналади. Шу муқаддас заминга аждодларининг киндик қони тўкилган самарқандликлар учун эса, афсоналар ичра қайта кашф этилаётган умрбоқий шаҳар. Ҳа, бугунги Самарқанд – беқиёс юксалишлар, улғайишлар шаҳри. Самарқанд – улкан бунёдкорликлар салтанатики, қўриб кўзингиз қувонади, қалбингиз ғурур-ифтихорга тўлади. Неча асрлардан буён мозий меросини авайлаб келаётган шаҳар истиқлол йилларига келиб янада кўркам қиёфа касб этмоқда. Замонавий шаҳарсозликнинг энг яхши анъаналарини ўзида жамулэсам этган муҳташам бинолар, сўлим хиёбонлар, раvon йўллар кўнчилиқнинг бу табарруқ замин ҳақидаги тасаввурини бойитмоқда.



Самарқанд салоҳияти, унинг бетакрор қиёфаси ҳақида гап кетганда, бу ердаги ўнлаб қурилиш, лойиҳалаш ва меъморчилик идораларининг яқдил мақсадлари-ю биргаликдаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Энг аввало, юксак цивилизация ва шаҳарсозлик талабларига жавоб бера оладиган мукаммал лойиҳа ҳамда қўлайликлар, замонавийлик билан тарихнинг уйғунлашуви – жамийки қурилишларнинг асосини ташкил этмоқда.

Қадим шаҳарнинг 2750 йиллик юбилеи арафасида 120 дан ортиқ янги объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Хусусан, "Боғишамол" мавзесида муҳташам "Бахт уйи", "Санъат саройи" ва мусикашунослик коллежи, 2 та автосалон, шаҳарнинг турли нукталарида эса 29 та хусусий меҳмонхона, 2 та супермаркет қуриб битказилмоқда. ЮНЕСКОнинг тарихий маънавият объектлари қиритилган Шох Зинда ва Афросиёб тепалиқларини айланиб ўтувчи 3800

сиз узок Нуробод ёки Қўшрабoт туманларининг тоғли қишлоқларида пойдевори баланд, сержило мрамар билан ишлов берилган, эшик ва деразалари, пештоқлари оппоқ рангда товланиб турган шина мактаб, коллеж ёки маданият уйини қўриб, беихтиёр, қурувчилар чекка қишлоқларда ҳам кўркам бинолар қуриш билан бирйўла замонавий турмуш маданиятини тарғиб этаётганликларига ғувоҳ бўласиз. "Бунёдкор", "Чинор", "Жайхун", "Сўғдиёна", "Афросиёб сервис" қурилиш компаниялари жамоаларининг бу жаҳдаги улкан ишлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Вилоят ҳокимлиги "Инжиниринг" компанияси мутахассисларининг таъкидлашларича, ҳукумат дастурига мувофиқ ижтимоий объектлар қурилиши бўйича ҳар йили ўтказилаётган тендер танловлари иморатсозлик ва йўлсозликда энг тажрибали, тезкор ва юқори сифатга кафолат бера оладиган жамоаларни аниқламоқда. Пировардида, тендерга қўйилган



ши қайд этилган. Айни кунларда жамоа вилоятнинг бирйўла иккита худуди – Пайариқ ва Жомбой туманларида иқтисод ҳамда сервис касб-хунар коллежларини қуриб битказиш билан банд. Бетакрор меъморий ечим, шарқона миллий руҳ ва европача ёндашувни уйғунлаштирган Самарқанд шаҳридаги янги мусика коллежи, "Бахт уйи", "Санъат саройи"ни эса Ҳабибулло Ибрагимов бошқараётган "Чинор" қурилиш компанияси бунёд этмоқда. Ҳар уччала бино ёнма-ён жойлашганлиги билан ҳам ажойиб қиёфа ва салобат касб этмоқдаки, яқин орада бу манзил юзлаб самарқандликлар ва шаҳар меҳмонлари учун энг гавжум жойга айланиши мўқарар.

– Биз учун, аниқроғи, ишимизнинг сифати учун энг яхши назоратчи – қурувчининг виждони, – дейди "Тегина ОАМ" масъулияти чекланган жамият раиси Аҳтам Орипов. – Шу боис, Ургут туманининг тоғли Вағашти қишлоғида тендер киймати 1 миллиард 683 миллион сўмлик, 555 ўқувчи мўлжалланган янги коллеж қурилишини бошлаганимизда режамиз бекаму қўст амалга ошишини олдиндан билгандик. Бугун тоғ этагидаги катта майдонда бирорта ҳам меъморий нуқсонни бўлмаган муҳташам бино қад ростлаб турибди. Биз ана шундай серҳашам биноларда яшаган, илму хунар ўрганишга муносиб халқ фарзандларимиз.


Дарвоқе, вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга қўра, бу йил вилоят худудида 25 та янги коллеж, иккита академик лицей барпо этилмоқда. 120 дан ортиқ мактаб капитал реконструкция қилинаётган. Ижтимоий соҳадаги мазкур қурилишлар қўламини ав-

Вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга қўра, бу йил вилоят худудида 25 та янги коллеж, иккита академик лицей барпо этилмоқда. 120 дан ортиқ мактаб ёки капитал реконструкция қилинмоқда.

валги йиллардагидан бир неча баробар кенгайгани билан ҳам эътиборга молиқ. Шу боис, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда қурилишга мутахассис бўлган идора-ташқилотлар раҳбарлари ҳар битта катта-кичи объектга ўз вақилини тайинлаш орқали соҳадаги муаммолардан вақтида хабардор бўлиб, уларни тезда ҳал этиш чораларини кўрмоқдалар. Қурилишда ташаббускорлик, ижодкорлик кўрсатаётган фирма ва компаниялар муносиб рағбатлантирилмоқда, тажрибали оммалаштирилмоқда.

Иш тутуми ўрганишга лойиқ ана шундай жамоалардан яна бири "Ургут уй-жой қурилиш" хусусий корхонаси ҳам янги ўқув йили олдиндан туманининг Андақ қишлоғи ёшларига ажойиб совға – 300 ўқувчи мўлжалланган янги мактаб биносини тўхфа этди. Тендер киймати 320 миллион сўмлик мазкур таълим муассасаси биносининг аҳамиятли жойи шундаки, у қўёш батареяси ёрдамида иситилади.

– Янги усқунани ўрнатиш арзонга тушмади, – дейди қурилиш жамоаси раҳбари Қўйчи Исоқов. – Лекин тажрибамизни эртага бошқа фирма ва компаниялар ҳам мактаблар мисолида синаб



қўришларига, кенг оммалаштиришларига ишонаман. Демак, қурилишдаги ўзига хос бу рақобатдан, энг аввало, таълим даргоҳлари баҳраманд бўлади, наф қўради, деб ўйлайман.

Ҳа, қурилишдаги соғлом рақобат нисбатан арзон, тежамли ва сифатли қуриш бўйича янги имкониятларни излаб топишга ундамоқда.

– Зарур ашёларнинг 40-50 фоизини ўзимизда ишлаб чиқараёلمиз, – дейди "Бунёдкор" масъулияти чекланган жамият раиси Нуриддин Бобоев. – Шунинг учун

Қадим шаҳарнинг 2750 йиллик юбилеи арафасида 120 дан ортиқ янги объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Хусусан, "Боғишамол" мавзесида муҳташам "Бахт уйи", "Санъат саройи" ва мусикашунослик коллежи, 2 та автосалон, шаҳарнинг турли нукталарида эса 29 та хусусий меҳмонхона, 2 та супермаркет қуриб битказилмоқда.

қўлдан чиқарилаётган объектлар таннари арзонга тушмоқда. Қурувчиларимиз эса ойига 300 минг сўмгача маош олишяпти. Манфаатдорлик юқори бўлган, ҳар битта объект белгиланган муддатда, сифатли қуриб битказилмоқда...

Бундай имконият, хоши ва сафарбарлиқни Булунгурнинг "Ал-картепа" иқтисодиёт ва сервис

сталл Самарқанд", Олим Абжа-ловнинг "Истиқлол гўнчалари", Оруз Раҳматовнинг "Иншоот қурилиш", Облоқул Худойбердиевнинг "Меъмор" масъулияти чекланган жамиятларида ҳам қурилиш сифати учун ана шундай қўнчалликни, ихро масъулиятини сезасиз.

Жоникул Нейматов "Қўйи тегина қурувчи" масъулияти чекланган жамиятини бошқаради. Жамоа учун буюртманинг катта-кичилик ва қаердалигининг аҳамияти йўқ. Ҳаммасига қўн-имконият топа олишади. Бунёдкорлар

лантирувчи омилар пайдо бўлаётганлигидир.

Бугун кўхна ва ҳамisha навқирон шаҳарнинг 2750 йиллигини нишонлашга озгина вақт қолаётган шу кунларда бутун Самарқанд ахли бунёдкорлик, ободончилик юмушлари билан банд. Маҳаллалар маркази қайта таъмирланмоқда, йўл ва кўприклар соzланмоқда. Шундай аҳилиқ, ҳамжиҳатлик ва юртпарварлик бор бўлган жойда байрамлар ҳам завқли, сурурли кечади.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, "Адолат" мухбири



